ЎзССР Давлат китоб палатаси
Рес. ахборот палатаси ЎзССР
290994

Илм — ўзни билмакдир

Маърифат

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1994 йил 21 сентябрь, чоршанба — №434 — Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ватаннинг олий мукофотлари топширилди

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганлигининг уч йиллиги муносабати билан Президент фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз республиканинг олий орден ва медаллари билан тақдирланган эди. 20 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислом Каримов очди.

Муҳтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент. Маълумки, Мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнак кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз "Дўстлик" орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йигилдик.

Лекин, ижозатингиз билан, аввало сўзни ўша фармонда биринчи бўлиб зикр этилган "Мустақиллик" орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, "Мустақиллик" ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол қўйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъдодини Ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижоддаги саботи ва ҳалоллиги авлодлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз, унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Ўша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зуреда ларига Абдулла Қодирий орзу этган ва азиз жонини бағишлаган буюк мақсад — Мустақиллик номи билан юритиладиган энг биринчи орденни топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: "Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" деб авлод-аждодларимизга васият қилган эканлар, дейди Ислом Каримов. Бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол хизмат қилиш — улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай ғоя — мақсад билан яшаётган инсонлар бугун шу залда тўпланганлар.

Бугун сизларга — "Дўстлик" орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсатган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун ҳисса қўшаётган адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлилар ва ишчилар — халқимиз вакилларини бағримга босмоқчиман ва уларни "Дўстлик" ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва ғурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга кучғайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Президент Ислом Каримов фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун "Дўстлик" орденига сазовор бўлганларга юксак мукофотларни топширди. Шунингдек, республика миллий хавфсизлик хизмати раиси Ғ. Алиев ва Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоевга "Жасорат" медали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда бу борада кўрсатган матонат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилган эди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ана шу юксак унвонни топшириб, "Олтин Юлдуз" олий нишонини юртбошимиз кўксига тақиб қўйди. Йигилганлар Президент Ислом Каримовни олий мукофот билан қизғин қутлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Б. Рапигалиев, А. Орипов, У. Аширбеков, Шукрулло, З. Муҳаммаджонов, Зулфия, И. Афанасьева, Т. Екель, В. Пак, Т. Каримова камтарона хизматлари юксак қадрлангани учун миннатдорчилик билдириб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сўнггида. — Бу ҳам бўлса, шу юртни бахтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз — Ўзбекистонга қўнган бахт қуши — тинчлик, осойишталик, барқарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халқимиз ризқ-рўзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун халқимга яна бир марта таъзим қиламан. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик!

Тантанали маросимда Республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари С. Саидкосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА,
[ЎзА].

Мактабдан ташқари муассасаларда

Анъаналар давом этади

Ўтган ҳафтада республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар ижодиёт марказида янги ўқув йилига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Марказ ҳовлиси тўгарак аъзолари ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Залда ёш археологлар ва ўлкашунослар тўплаган ноёб исланд тоши, вальвицит, аргонит, мўмиё, қадимий Кушон давлати, Бухоро, Самарқанд ва Хива ноёб кулолчилик санъатига доир турли сопол идиш парчалари ва бошқа нодир буюмлар кўргазмаси очилди. Янги ўқув йилининг очилиши Ўзбекистон Республикаси гимнининг ижроси билан бошланди.

Ўқувчиларни марказ директори Ш. Назаров, табиатни муҳофаза қилиш жамияти вакили И. Жукова, республика Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассиси М. Абдувоҳидова, Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактаб директори Г. Афзалов ва бошқалар янги ўқув йили билан табрикладилар.

— Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг асосий вазифаси болаларда ўлкамиз географияси ва тарихини ўрганишга бўлган қизиқишни оширишдан иборат, — деди марказ директори Шавкат Назаров. — Айни пайтда марказ таркибида 49 та тўгарак қизғин фаолият кўрсатаётир. "Тоғ саёҳати", "Жўғрофий ўлкашунослик", "Тарихий ўлкашунослик", "Она табиатни муҳофаза қилиш", "Ёш археологлар" ва бошқа тўгараклар шўлар сирасидандир. Уларга ўз ишининг усталари бўлган билимли, фидойи кишилар бош-қош бўлаётирлар.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз. Ўқувчилар тўгаракларга астойдил берилиб иштирок этаяптилар. Ўтган йили ёш саёҳатчилар гуруҳларга бўлиниб, Тошкент вилоятининг тоғларига бир неча бор саёҳат қилдилар. Бундай саёҳатлар ҳар бир вилоят ўлкашунослари томонидан ҳам амалга оширилди. Шунингдек Бухоро, Самарқанд ва бошқа қадимий шаҳарлар тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганишга астойдил киришилди. Бошлаган ишларимизни бу йил ҳам давом эттирамиз!

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Халқ таълими ва ҳокимият

Алишер Мирқосимов:

ВАТАН ТУЙҒУСИ — ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ.

Мусоҳабадошимиз Алишер Мирқосимов Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокими. 45 ёшда. Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги Малика трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида слесарь-таъмирловчиликдан бошлаган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатгач, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Шунинг учунми, кишилар билан самимий суҳбатлашади, суҳбатдошини берилиб тинглайди, шу жараённинг ўзидаёқ унинг фикрларига ўз муносабатини билдиради. Унинг, айниқса, раҳбарлик масъулияти, маърифат аҳлига ғамхўрлик қилиш, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари эътиборга моликдир. Алишер ака билан суҳбатимиз ҳам айнан шу мавзуларда бўлди.

— Алишер Муҳамедович, раҳбарлик юки енгил эмас. Раҳбар, аввало, ўз йўлига, ноёб раҳбарлик услубига эга бўлиши, гапнинг индаллосини айтганда, Ҳаёт мактаби деб аталмиш шартли синовдан ўтиши жоиз. Раҳбардаги ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятлари кўпроқ кишининг табиатан ато этилган иқтидорига, имкониятларига ҳам боғлиқ. Сизнингча, айни замонда раҳбар қандай тамойиллар асосида иш тутмоғи лозим?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўн бешинчи сессиясида сўзлаган нутқини, шунингдек, қатор рисолаларида айтилган фикрларни ҳар бир ҳоким ўзига дастуриламал — тамойил қилиб олмоғи даркор. Юртбошимизнинг **"Бугун ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир"**, деган фикри биз раҳбарларга катта масъулият юклайди. Муҳими, раҳбарларнинг халқ юрагига, илм-маърифат аҳли қалбига йўл топа олишидадир. Ана шу ақидага амал қилган ҳамда эзгу туйғулар ила нафас олган раҳбарнинг йўли равон бўлади.

Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни тиклаш, ёшларни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Эътиқод-иймон тушунчасида кўп нарса мужассам... Ватан туйғуси — ҳар нарсадан улуғ. Бу туйғу, аввало, оилада шаклланади. Халқ орасида "Ҳаёт она алласидан бошланади", деган гап бор. Она алласи юртни қўриқлагувчи ботирлар, илмли, комил инсонлар етишиб чиқишига замин яратади. Бу жараён, албатта, мактабда давом эттирилади. Ижтимоий фанлар дарсларида ва тарбиявий соатларда ўғил-қизларнинг ватанпарварлик, бурч ва масъулият туйғулари камол топади.

Ватанни севмоқ фарздир. Бу каби машғулотларда она юртимиз миллий қадриятларига алоҳида ҳурмат билан қараш туйғулари ўқувчилар онгига сингдирилмоқда. Масалан, шаҳар ўқувчилари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Конституцияси, Давлат рамзларини ўрганишга бағишланган кўрик-танловда туманимиздаги 118-мактаб ўғил-қизлари совринли ўринни эгаллашди.

Туманда мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик, миллий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Фарзанд — оила қувончи", "Энг яхши оила", "Мустақиллик муборак, Ўзбегим", "Моҳир қўллар", Наврўз байрамлари тадбирларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Таълим-тарбиянинг бундай йўналишида, айниқса, "Муқимий", "Ракат", "Яккасарой-2", "Тепа" маҳаллалари фаолиятлари таҳсинга лойиқдир. Шунингдек, мактаб ва ота-она ҳамкорлигига ҳам диққатни қаратяпмиз. Мактабларда ота-оналар қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Улар таълим-тарбияни яхшилашда педагогларга яқин ёрдамчи бўлишмоқда. Натижада мактаб ва ота-оналар ўртасидаги узилишлар барҳам топаётир. Хуллас, бу борадаги ишларни янада жонлантириш йўлларини излаяпмиз.

Педагогларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар туманда қандай амалга оширилаяпти?

— Муаллимларимиз илм масканларини жамият кўркига айлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётирлар. Биз уларга қўлимиздан келадиган имкониятларни яратиб бераяпмиз. Улар яшаб турган давлатга ва турли идораларга қарашли уйлар Президент фармонлари асосида юз фоиз хусусийлаштирилди. Мураббийларимиз белгиланган барча имтиёзлардан тўла фойдаланишмоқда.

Тўғри, бозор иқтисодиёти бизларни ҳар томонлама синамоқда. Синовдан ўтишнинг битта шарти маънавиятимизни юксалтиришдир. Шу мақсадда туманимизда оила, мактаб, маҳалла, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлиги режаси ишлаб чиқилган. Бу режа туман ҳокимияти томонидан тасдиқланган. Унда ўқув муассасалари базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва тарбиячиларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг самарали ишлашлари учун шароитлар яратиш каби тадбирлар акс этган.

— Эл ичида "Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз" деган нақл юради. Ҳадемай ўзбек тилига давлат мақоми берилганига беш йил тўлади. Туман миқёсида давлат тили масалалари қай даражада ҳал қилиняпти?

— Ўз тилини ҳурмат қилмаган, унинг жозибасидан ҳайратланмаган кишидан элини севадиган инсон четишиб чиқмайди. Шунинг учун биз тилга эътиборни болалар боғчаларидан бошлаганмиз. Мактабгача тарбия муассасаларида бугунги кунгача 78 та миллий гуруҳ ташкил этилди. Айни чоғда, турли миллат болалари тарбияланаётган катта ва тайёрлов гуруҳларида айрим машғулотлар, тадбирлар ўзбек тилида олиб борилаётир. Ота-оналар билан ҳамкорликда байрам эрталиклари ўтказилмоқда.

Мактабларда "Энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси" тажрибалари оммалаштирилмоқда.

— Куз фасли ҳам ўтиб бормоқда. Туман ҳудудидаги таълим муассасаларини қишки мавсумга тайёрлаш ишлари қай тарзда бормоқда. Унга ҳокимликнинг қандай ёрдами бўлаяпти?

— Туманда ўқув-тарбия муассасаларини қишки мавсумга тайёрлаш шу йилнинг май — июнь ойларидаёқ бошлаб юборилган эди. Иситиш тармоқларни ювиш, элеватор тармоғини таъмирлаш, эскирган жиҳозларни алмаштириш, мойлаш ишлари тумандаги 6-энергорайон билан келишилган ҳолда олиб борилди. Мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ичида 72-болалар боғчасидан ташқари барча ўқув даргоҳларида қишки мавсумга тайёргарлик ишлари тугалланди. Синган ойналар алмаштирилди ва 1500 квадрат метр ойна заҳира қилиб қўйилди.

Туман ўқув-тарбия муассасаларига ҳозирги кунда оталиқ ташкилотлари бириктирилиб, улардан катта ёрдам олинаяпти. Оталиқ ташкилотлардан Тошкент тўқимачилик комбинати, "Эльбор" ишлаб чиқариш бирлашмаси, қурилиш материаллари комбинати, Ўзбекистон пўлат конструкциялар корхоналарининг таълим даргоҳларини янги ўқув йилига, шунингдек, қишки мавсумга тайёрлашдаги катта хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

Бугун Паркентда Республика ижодкор ўқитувчиларининг III анжумани очилади

МАСЪУЛЛИК

Ўқитувчи ҳамда ижодкор чин маънода эгизакдир. Негаки, улар инсонни маънан шакллантирадилар. Шундай экан, азиз устозларимиз ҳаётни теран кўрмоқлари, ҳар борада юксак чўққиларда турмоқлари зарур. Билим бермоқ учун билим олишга интилиб, изланиб яшашлари шарт. Ана шундагина пок, мурғак қалбларга эзгулик уруғи сочилади. Бу уруғнинг униб, нишона берганини кўришдан ҳам ортиқ қувончлироқ нарса борми? Биз бу йил ҳам ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларимизнинг сафи янада кенгайганига қувониб турибмиз. Бугун очиладиган республика ўқитувчи ва тарбиячиларининг III анжумани ижодкор касбдошларимизнинг иқтидорига баҳо беради. Уларнинг кўплаб қўлёзмалари муҳокама қилинади. Нутқи билан, санъаткорлиги билан, шеър ўқиш-у, кўнглидаги ғапларини бировга қай даражада етказа билиши билан ҳам улар ўзларини намоён қилдилар. Ўқитиш икки баробар ўқиш экан. Виждонан пок, ижодкор мураббийлар бутун умр ўқиш билан банд бўлиб, зийрак шогирдлигича қолаверадилар. Анжуманда ижодкор ўқитувчиларнинг нафақат иқтидори, балки уларнинг касбдаги санъаткорлиги ҳам синовдан ўтказилиши бежиз эмас. Ноёб ҳақиқат гавҳари билан зийнатланган нафосат олами бу йил ҳам бизни ўзига мафтун этади деб умид қиламиз.

Ижодкор ўқитувчиларнинг асарларидан намуналарни 4-саҳифада ўқийсиз.

ФРАНЦИЯЛИК ОЛИМ ТАШРИФИ

Франциянинг машҳур Коллеж де Франс илмгоҳи профессори, таниқли шарқшунос ва исломшунос Мишель Тардье Тошкентдаги шарқ тиллари институти талабалари ва профессор-ўқитувчилари ҳузурида бўлиб, ислом тарихи, Мовароуннаҳрда диний-фалсафий оқимларнинг пайдо бўлиши ҳақида маъруза қилди.

Олимнинг сафари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил октябрь ойида Франсияга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳар икки мамлакат ўртасидаги маданий, илмий ва техник ҳамкорлик ҳақидаги шартнома асосида амалга оширилмоқда.

[ЎзА].

ИЖОД МАСКАНИ

Самарқанд вилояти ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази республикадаги етакчи таълим масканларидан бири ҳисобланади. Бундан 60 йил муқаддам иш бошлаган марказ ўтган давр мобайнида минглаб ўқувчиларга турли соҳалар бўйича билим берди. Уларни республикамиз фани ва маданиятини ривожлантиришга қанотлантирди. Собиқ талабалар орасидан элга таниқли кўплаб олимлар, касб-ҳунар эгалари етишиб чиқди.

Дастлаб ижодиёт марказида учта тўгарак мавжуд эди. 80-йилларга келиб уларнинг сони 22 тага етди. Уларда 600 дан ортиқ ўқувчи турли соҳалар бўйича машғулотлар ўтказа бошлади.

1987 йилда марказ янги бинога кўчиб ўтди. Унинг кенг ва ёруғ лабораторияларида бугунги кунда 33 йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда, 160 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда, 6 ёшдан 8 ёшгача бўлган 2000 дан ортиқ ўқувчи шуғулланмоқда. Йиғилиш зали, видеозал, кордодром, кемасозлар учун мўлжалланган сув ҳавзалари болалар хизматида.

Ўтган йили бу ердаги 17 та тўгарак қисман хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтган эди. Натижада янги-янги жиҳозлар олиш имконияти пайдо бўлди. Мамлакатимиз миқёсидаги танловларда, кўргазмаларда мукофотли ўринларга сазовор бўлиб келаяпти. Жумладан, техник ижодиёт марказларининг 1993-94 йилги услубий тавсияномалар тайёрлаш кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Яқинда техник ижодиёт марказининг 60 йиллик тўйи кенг нишонланди. Тантанага кўплаб меҳмонлар ташриф буюришди, республикамизнинг турли чеккаларидан қутловлар келди. Жумладан, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев табрик мактуби йўллаб, таълим маскани жамоасига улкан ижодий муваффақиятлар тилади.

КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР КЎРИГИ

Қамаши шаҳридаги Амир Темур номидаги мактабда туман мактаблари ўқитувчилари, тарбиячилари ва ишлаб чиқариш усталари яратган ўқув кўргазма қуролларининг кўрик-кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 38 мактабдан 150 нафар ўқитувчи ўз ижоди маҳсули билан иштирок этди.

А. Қаҳҳор номидаги мактаб математика ўқитувчилари И. Турлиев ва С. Раҳимов ҳамкорликда ясаган "Математика, физика фанида ҳаракатли доска", Беруний номидаги ўрта мактаб тарих ўқитувчиси Д. Хушмуродованинг "Ўрта Осиё хонликлари", "Амир Темур сулоласи", "Бобур сулоласи", Амир Темур номидаги мактаб математика ўқитувчиси Ф. Сайдуллаевнинг "Графиклар доскаси", Низомий номидаги мактаб муаллими Д. Бозоровнинг тасвирий санъат чизмачилик фани бўйича "йигма қуён" буклети, Беруний мактабидан В. Ивченконинг меҳнат таълими бўйича "Дурадгорлик станок схемаси", Ф. Хўжаев номидаги мактаб бошлангич синф ўқитувчиси А. Гулиевнинг "Ҳаракатли доска"си барчанинг эътиборини тортди. Ҳакамлар хулосасига кўра биринчи ўринни А. Қаҳҳор номидаги мактабнинг физика-математика ўқитувчилари И. Турдиев ва С. Раҳимов, иккинчи ўринни Беруний номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси Д. Хушмуродова, А. Темур номидаги мактаб ўқитувчиси Ф. Сайдуллаев, учинчи ўринни Низомий номидаги мактаб ўқитувчиси Д. Бозоров, Беруний номидаги мактаб ўқитувчиси В. Ивченко, Ф. Хўжаев номидаги мактаб ўқитувчиси А. Гуллиев эгаллади.

Ўрол РАҲИМОВ.

ҚУВОНМАЙ БЎЛАДИМИ!

Махсус мактаб-интернатларда ишлаш, бирор нуқсони бўлган болаларга тарбия бериш, айниқса, ўқитиш мураккаб жараённи ўз ичига олади. Бундай мактабларда тез-тез бўлиб турган ёки дефектология соҳаси ҳақида бироз тушунчага эга киши бу гаплар мағзини қалбан ҳис эта олади. Яқинда биз Тошкент шаҳридаги 102-махсус заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида бўлиб, у ердаги шарт-шароит ва иш жараёни билан танишдик.

— Интернатимиз илгари кар ва заиф эшитувчи болалар таълим-тарбияси билан шуғулланар эди, — дейди директор Н. Исҳоқова. — Кейин заиф эшитувчи болалар махсус интернати ажралиб чиқди. Ҳозир ҳар йили 2 синф, яъни 20 ўқувчи интернатни битиради. Улар асосан ишлаб чиқариш корхоналарига йўлланма оладилар.

Заиф эшитувчи болаларда меҳнат фанига, айниқса, дурадгорлик, расм чизиш билан боғлиқ ишларга катта лаёқат бор, — дея суҳбатга қўшилди меҳнат ўқитувчиси В. Живенин.

Биз мактаб-интернатда ташкил этилган кўргазмани томоша қилдик. Нақшин сандиқ, жавон, стол ва хонтахталарни кўриб, болалар санъатига лол қолдик. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, интернат ўқувчиларининг ҳар бири ўзининг махсус партасига эга, уларни ўз қўллари билан яратишган.

Болалар ижросидаги куй ва қўшиқлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мусиқа асбобларини моҳирлик билан чалаётган болалар заиф эшитувчилар эканлиги бирор кишининг хаёлига ҳам келмайди.

Қарийб 7 гектар ерни эгаллаган бу масқаннинг 2,5 гектарига ўқув бинолари жойлашган. Қолган майдонда олма, ўрик, ёнғоқ, олча, беҳи, тут каби 2 мингдан зиёд мевали дарахт осмонга бўй чўзиб, меваларини кўз-кўз қилиб турибди.Айрим синф хоналарини кўздан кечирар эканмиз, ҳар бир парта устида овоз кучайтирувчи ҳамда эшитиш аппаратлари турганига гувоҳ бўлдик.

— Интернатда 32 та синф хонаси бўлса, уларнинг барчаси шундай жиҳозланган, — деб изоҳ берди тил ва адабиёт фани ўқитувчиси В. Попова.

— Бошқача айтганда, ўқув даргоҳидаги 284 нафар ўқувчи техника воситалари билан мукаммал таъминланган, — дея суҳбатни давом эттирди тарих фани ўқитувчиси И. Новикова. — Шуни ҳам айтиш керакки, шу вақтгача биз украиналик мутахассисларнинг "Спектор" ускунасидан фойдаланиб келардик. Улар 70-йилларда ўрнатилган бўлиб, аллақачоноқ ҳар жиҳатдан эскирган эди. Яқинда Санкт-Петербург ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган "Эхо" аппарати вазирлик томонидан интернатимизга тақдим этилганлиги айни муддао бўлди. Улар ҳам янги, ҳам сифат жиҳатидан яхши ишланган.

Биз махсус таълимнинг ўзига хос жиҳатлари билан қизиқиб дарсларга кирдик, айрим ҳужжатлар билан танишдик. Маълум бўлишича, 1966 йилда Тошкентда заиф эшитувчи болалар боғчаси оч лган экан. Шундан сўнг интернат заҳматкашларига анча енгиллик туғилган. Гап шундаки, илгари бу даргоҳга боғча кўрмаган болалар келишарди. Эндиликда эса боғча тарбиясини кўрган 5 ёшга тўлган болалар интернатнинг мактабгача таълим-тарбия бўлимига қабул қилинмоқда.

— Бу ерда болалар икки гуруҳга ажратилади, — дейди ўқув ишлари бўйича директор муовини Ф. Исмоилова бизга ўқув-тарбия жараёнини янада чуқурроқ тушунтириб. Биринчи гуруҳга нутқи ривожланмаган ҳамда эшитиш қобилияти маълум даражада мавжуд болалар киради. Иккинчисида эса эшитиш қобилияти жуда ҳам оғир ва нутқи умуман йўқ болалар ўқийди. Биринчи гуруҳ 10 йил ичида 9 йиллик умумтаълим маълумотига эга бўлади. Иккинчиси 12 йил ичида...

— Бунга сабаб нима? Ҳар ҳолда боланинг икки йиллик умри кетар экан. Бу муддатни қисқартиришнинг иложи йўқми?

— Қийин масала.Ўзингиз ўйлаб кўринг, иккинчи гуруҳдаги болалар умуман нутқсиз, ҳаттоки товушлари ҳам чиқмаслиги сабабли ўқитувчилар аввало уларда нутқ пайдо қилиши керак.

Бунинг учун махсус мосламалар ёрдамида тил, умуман, оғиз бўшлиғидаги безларни ишга солиб, секин-аста товуш белгиларини ҳосил қиламиз. Шундан сўнг малакали дефектологлар сўзларини, кейинчалик эса нутқни ўстириш устида ишлашади. Улар тилга кирганда... бу шундай қувончки!...

Интернатга келган киши бу ердаги иш кўламини кўриб, ҳайратланмай иложи йўқ. Тўгаракларни айтмайсизми! "Биз гаплашишни ўрганамиз"(раҳбари А. Муҳамедшина), "Ёш биолог" (раҳбари Ф. Шатерникова), "Биз жонажон ўлкамизни ўрганамиз" (раҳбари Ю. Муҳамедшина), "Моҳир қўллар" (раҳбари О. Рогачова) каби тўгаракларнинг фаолиятлари таҳсинга сазовор.

Бу ерда ўз ишининг чинакам фидойилари ишлашади. Интернатда хизмат қилаётган 33 тарбиячи, 54 ўқитувчи (шулардан 40 нафари дефектолог) ҳозирги иқтисодий жиҳатдан оғир шароитда ҳам болалар нуқсонини тузатиш, уларни жамиятимиз учун фойдали инсонлар қилиб тарбиялашдек улуғ вазифани амалга ошириш ташвиши билан яшамоқда. Бу ўринда В. Кругова, И. Новикова, М. Леонова, Р. Шатерниковаларнинг исмларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак.

Мактаб-интернатда илм маскани раҳбари Н. Исҳоқованинг ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги кўзга яққол ташланиб турибди. Н. Исҳоқова нафақат жонкуяр раҳбар, балки ижодкор муаллим-методист, дастур, дарслик муаллифи ҳамдир. У ўзининг кўп йиллик педагогик иш фаолиятида ўринли из қолдириб, иш тажрибасидан ўқув-методик адабиётлар яратди. Н. Исҳоқова бошчилигидаги мактаб-интернат педагогик жамоаси доимо изланишда, турли хил семинар, анжуманларда фаол қатнашиб республика мутахассислари билан ўз иш тажрибаларини ўртоқлашяптилар. Масалан, интернат муаллимлари умумтаълим мактаб дастури асосида таълим берибгина қолмай, эшитиш қобилиятини ўстириш, нутқ ўстириш, тўғри нафас олишни ўргатиш, товушни созлаш каби қатор махсус фанлар бўйича дарс ўтадилар. Бунда улар республикамизда ва бошқа хорижий мамлакатларда махсус интернат дефектологларининг иш фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганган ҳолда ўзига хос иш услубларини жорий қилишган... Хуллас, биз билим масканининг иш тажрибаси бутун республика мактаб-интернатларида оммалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаяпмиз.

Рисқинисо ШОМАҲМУДОВА,
РЎММ дефектология бўлими мудири.

Ҳунардан зар унар

Ҳам ўқиб, ҳам ўрганиб

Наманган вилояти Поп туманидаги қишлоқ хўжалиги лицейининг ташкил этилганига кўп вақт бўлмаса-да, бу ерда таълим-тарбияни янги поғонага кўтариш ва тадбиркорлик борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Қўшимча машғулот хоналари, лабораториялар, металлар технологияси ва конструкцияси, чорвачилик ва асаларичилик асослари, мева ва сабзавотчилик каби янги ўқув фанлари, электроника ва компьютер хоналарида дарсларнинг назарий қисми амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориляпти.

Суратларда: лицейдаги амалий машғулот жараёни акс эттирилган.

Мулоҳаза

АЁЛ БЎЛИШ ҚИЙИН

Ўқитувчи ўқувчиларга фақатгина билим берибгина қолмасдан, уни ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаши ҳам лозим. Ота-боболаримиз одоб-ахлоқ қонуниятларини фақат фан сифатида ўқиб ўрганганги ҳеч кимга сир эмас.

Ҳозир мактабларимизда одобнома дарслари фан сифатида 10-синфлардагина ўтилмоқда. Менимча, бу ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера олмайди. Одобнома дарсларини бошланғич синфлардан бошламоқ керак, деган фикрни кўп газеталарда ўқидим. Бироқ натижаси сезилганича йўқ. Жуда бўлмаганда 10—11-синфларда "Оилавий ҳаёт" дарслари ўтилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Мен "Маърифат" газетасида "Одобнома" ҳақида билдирилаётган ҳар хил фикрларга қўшилган ҳолда ўз фикр ва мулоҳазаларимни касбдошларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Одобнома дарслари ҳақиқатан ҳам иккинчи даражали фан бўлиб қолмоқда. Шу ўринда ҳар нарсани айтмоқчиман: "Ундай қилиш керак, бундай қилиш керак" демасдан, биз — ўқитувчилар мактабимиз шароитидан келиб чиққан ҳолда оқилона иш юритсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, 9, 10, 11-синфларда факультатив дарслар ҳисобига одобнома дарслари ташкил қилиниб, унда бугунги кун талаби даражасидан келиб чиққан ҳолда ёшлар ҳақиқий ҳаётга йўлланса. Шунингдек, мактаблардаги мавжуд "Қизлар уюшмаси"га тажрибали ўқитувчи раҳбарлик қилса.

Мен кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб "Қизлар уюшмаси" фаолиятини қандай ташкил қилиш ҳақида маслаҳатлашмоқчиман. Бу борада ишларни қуйидагича режалаштирдим: одобинг — кўркинг; енгилтаклик оқибати; сиз уй бекаси бўласиз; келинг, дугоналар, дилдан гаплашайлик; келинлик одоби; момоларимиз бисотидан; алла айтиш сирлари; ҳаё — қалбнинг ҳақиқий кўзгуси; ўзбек қизи, ўзлигингни унутма.

Ҳар ойга мўлжалланган бу режалардан ташқари ойда бир марта "Қизлар овози" газетаси ҳам чиқарилиб, унда одобли, жамоатчи, фаол қизлар ҳақида мақолалар ёритиб борилади ва улар рағбатлантирилади. Шунингдек, бир хонани қизлар бурчаги қилиб, бу ерда қизлар учун неки керак бўлса, қўлдан келганча жиҳозланса, қизлар хоҳлаган пайтда бу ердан ўзига зарур бўлган нарсалардан фойдалана олса айни муддао бўлади.

Қизлар бурчаги 4-5 та альбом билан безатиб қўйилса, улар зарурат сезганда керагидан фойдаланаверади. Бундай альбомларни қизларнинг ўзлари ҳам тайёрласалар бўлади. Масалан, "Минг бир маслаҳат" деб номланган альбомда "донолар бисотидан", "ҳикматлар, мақоллар, ўгитлар, насиҳатлар ўрин олади.

Ота-боболаримизнинг ўгит ва насиҳатларини қизларимиз қулоғига оз-оздан қуйиб борсак, иболи, ҳаёли, иффатли қизларимиз сони кундан-кунга ортиб борса, ажабмас.

Ҳақиқатан ҳам гўзал қизларимизга ҳақиқий аёл бўлишдек мураккаб ва машаққатли йўлда билим ва тажрибамизни ўргата олсак, устозлик бурчимизни бажарган бўламиз.

Жумагул ЮНУСОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Манғит шаҳридаги "Манғит" ўрта мактаби ўқитувчиси.

Давра суҳбати

ТАРАҚҚИЁТ МАЪНАВИЯТДАН БОШЛАНАДИ

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қадим-қадим замонлардан шогирдлар устозга алоҳида ҳурмат билан қараганлар. Бугунги кунда ҳам устоз ва шогирд муносабати алоҳида эътиборга молик масала бўлиб турибди. Бу муносабатни янада юксакроқ кўтариш ўқитувчиларимиз маънавияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тараққиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Хўш, бугунги кун ўқитувчиси ўқувчи билан муносабатда қандай бўлиши керак? Абдулла Авлоний номидаги жумҳурият халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатни институтнинг ўзбек, жаҳон тиллари ва адабиёти кафедрасининг мудираси, педагогика фанлари номзоди, доцент Туйғуной Ниёзметова олиб борди. Унда жумҳуриятимизнинг турли туманлари халқ таълими бўлимларида ишлаётган услубчи-ўқитувчилар иштирок этишди.

Туйғуной НИЁЗМЕТОВА:— "Устоз отадан улуғ",— дейди доно халқимиз. Ота-она ўз фарзандига вужуд бахш этиб, парвариш қилса, ўқитувчи болани маънавий камолотга етказади. Унинг хулқу одобини баркамол, дидини нозик, тафаккурини теран қилади. Лекин ўзи тарбияга муҳтож одам ёш авлодни тарбиялай олмайди. Устоз жамиятда ҳам, ўқувчилари олдида ҳам ибрат бўлмоғи лозим.

Ғулом Фатхиддинов (Риштон):

— Тўғри айтасиз. Синчковлик билан қаралса, ҳар бир ўқувчида ота-онасининг қиёфасию, устозининг маънавиятини кўриш мумкин. Ўқувчилар ўзлари ёқтирган, астойдил меҳр қўйган ўқитувчиларига сўзда ҳам, юриш-туришда ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Чамангул Шарипова (Беруний):

— Болаларнинг беғубор дунёсига йўл топиш, уларнинг ташвишларига ҳам, қувончларига ҳам шерик бўла олиш ўқитувчи учун буюк бахт. Шу маънода мен бахтиёрман, дея оламан. Ўқувчиларим мени ўз оналаридай яхши кўришади. Ҳатто уларга айтмаган сирларини менга айтишади. Яқинда ўзим раҳбарлик қилаётган синфим ўқувчилари билан М. исмли бемор ўқувчимизни бориб кўрдик. Унинг онаси шунақа севиндики, беихтиёр кўзларида ёш қалқиди.

Клара МУРОДОВА (Навбаҳор):

Сўзларингизни эшитиб, бир воқеа эсимга тушиб кетди. Биз "Она — улуғ зот" мавзусида иншо ёздик. Барча ўқувчилар ёзган ишларини тез-тез топшириб, қўшимча топшириқларни бажара бошлашди. Лекин Л. исмли қиз негадир бир нуқтага тикилиб ўтирар эди. Мен нима гаплигини суриштирдим. У индамади. Секингина кўзини юмди, бир-икки томчи ёш қоғозга тушди. Бирдан вужудим жимирлаб кетди. Лом-мим демай, жойимга бориб ўтирдим. Қўнғироқ чалинди. Танаффусда биринчи бўлиб Л.нинг дафтарини олдим-да, варақлаб кўрдим. Дафтарга биттагина жумла ёзилган эди, холос. "Онажон, онажон! мен сизни жуда, жуда яхши кўраман!". Синфдаги энг қисқа иншо шу эди. Иш фаолиятимнинг илк босқичида бўлган бу воқеа инсонни тарбиялаётган инсон унинг қалбига йўл топиши кераклигини англашимга ёрдам берган эди. Шундан буён мен болалар дунёсини чуқурроқ тушуна бошладим, болалар мени...

Раъно НОСИРОВА (Хатирчи):

— Мен отасиз ўсганман. Отамиз бевақт вафот этганлар. Онам ва ўқитувчиларим етимлигимни сезишимга йўл қўймаганлар. Лекин айрим касбдошларимиз фаолиятида:— "Ҳой, яшамагур, яна дарс қилмадингми", "Асли ароқхўрнинг боласисан-да, бир кун сен ҳам шу-да!", "Эшшак, нега тўполон қилдинг",— каби бола маънавиятини яксон қилувчи қўполликларнинг, афсуски гувоҳи бўламиз. Ўз шогирдини фарзанди каби сева олмайдиган бундай кимсаларга келажак тарбиясини ишониб бўладими? Уларнинг ўқитувчилик қилишга ҳақлари борми, деган савол мени ўйлантиради. Ёдимга мени ўз фарзандидай севиб эркалатувчи устозим Маҳбуба Раҳматуллаева тушадилар. Қалбим беихтиёр энтикиб кетади.

Маҳмуджон МАҲКАМОВ (Бувайда):

— Албатта, ўқувчининг маънавий камолоти ҳар томонлама ўқитувчи маънавияти билан боғлиқ. Ўзимнинг қарийб чорак асрлик фаолиятимда бир неча марта бунинг гувоҳи бўлганман. Мактабга эндигина директор бўлиб борган кезларим эди. Бир ўрта ёшли ўқитувчини 8-синф ўқувчиси қўлида узунгина илонни ушлаганича ўйингоҳда қувиб юрарди. Ўқитувчи илондан қўрққанидан, ҳарсиллаб югурар эди. Ўқувчи эса тўхтовсиз: "Домла, "2"ни "3" қиласизми-йўқми? Айтинг, бўлмаса илонга чақтираман!"— дея ғазаб билан қувиб борар эди. Мен довдираб қолдим. Беихтиёр унинг олдини тўсиб чиқдим: "Тўхта! Ташла илонни. Шундай қўрқмас бола ҳам нодон бўладими?"— дедим. Дарсдан сўнг у билан оталарча меҳрибонлик билан суҳбатлашдим. Кейинчалик дўстлашиб олдим. Орадан йиллар ўтди. Тақдир тақозоси билан йўлим янги ўзлаштирилаётган чўлга тушди. Не кўз билан кўрайки, бизнинг ўша "зумраша" чўлқуварлар саркорига айланибди. У мени отасидан ҳам азиз кўриб, меҳмон қилди. Болалик хатоларини эслаб, пушаймон бўлди. Домласига мен орқали узр ва салом айтди.

Эгамберди СОЛИЕВ (Беруний):

— Қарийб йигирма йилдан буён ёш авлод тарбияси билан шуғулланаман. Шогирдларим билан муомалада устозларимнинг менга бўлган муносабатларидан андоза си сифатида фойдаланаман. Одамлар орасида "Устознинг айтганини қилу, қилганини қилма",— қабилида латифасифат киноя бор. Устозларим эса менга нима деб таълим берган бўлсалар, энг аввало, ўзлари ўша ўгитларга амал қилардилар. Юриш-туришлари, ахлоқ-одоблари билан ибрат кўрсатар эдилар. Ўқитувчининг сўзи, иши, дили ва тили бир бўлмоғи лозим.

Тўрақул ШОДМОНОВ (Пастдарғом):

Ўқитувчи юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати, кийиниши, муомаласи билан ўқувчи қалбига кириши, уни эзгулик сари йўналтириши керак, деган фикрларга қўшиламан. Бироқ, бугунги кунда ўқитувчига ҳам осон тутиб бўлмайди. Моддий аҳволни баҳона қилиб мактаблардан кетиб қолаётган муаллимларнинг сони камайгани йўқ. Ҳар қандай талаб ўқитувчи имкониятидан келиб чиқиб қўйилмоғи керак. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг ўқувчиларга маънавий оталик, маънавий оналик қилиш имкониятлари етарли эмас. Чунки ўқитувчи ўз шогирдлари билан дарс жараёнидагина бирга бўлади. Сабоқни тугатиб, вазифа бериб, уйга қайтади ва турмуш ташвишлари билан андармон бўлади. Ўқувчи эса уйда ота-онаси назоратида бўлади. Кино кўради, дарс қилади, ўйнайди, ишлайди ва ҳоказо.

Ҳар қандай "Макаренко"нинг ҳам маънавий сабоғини 2—3 минутлик беҳаё фильм бир зумда чиппакка чиқариши мумкин. Шундай экан, ахборот воситалари орқали берилаётган асарларнинг тарбиявий томонига ҳам жиддий эътибор бериш керак.

Малика БОЗОРОВА (Каттақўрғон):

— Ўқувчиларим орасида Т. исмли ширинтой бола бор. Ота-онаси оламдан бевақт кўз юмишган. У ҳозир акаларининг қўлида тарбияланмоқда. Қайда бўлсам ҳам негадир шу болани ўйлайман. Мактаб остонасига қадам қўйганим заҳоти шу қоракўз чопиб келиб, кулимсираб қўлимдан сумкамни олади. Шу сонияда қалбимда ғалати бир туғён жўш уради. Тилим калимага келмай лол бўлиб қоламан. Уни бағримга босиб ўксиб-ўксиб йиғлагим, қалбига оналик меҳрини жойлагим келади. Дарсда унинг кулимсираб, менга термулиб диққат билан тинглаши мени яна илҳомлантиради...

Сулаймон АЛИҚУЛОВ (Хатирчи):

— Бир донишманддан устозинг ким деб сўраганларида: "Устозим ахмоқ"— деб жавоб берган экан. Бу ривоятдан хулоса шуки, ҳар бир ўқитувчи мустақил фикрлай оладиган бўлиши керак. Шахс сифатида шаклланмаган ўқитувчи ёнмайдиган чироққа ёки битмаган уйга ўхшайди. Ундан на шогирдлари баҳраманд бўлади, на эл баҳра топади. Ўқитувчи ўз ўқувчисига ҳаётдаги ҳар бир нарсадан ўзига тегишли ибрат олишни ўргатмоғи лозим.

Туйғуной НИЁЗМЕТОВА:— Суҳбатимиз ниҳоясида шуни айтмоқчиманки, педагоглар чинакам маънода игна билан қудуқ қазишдек машаққатли касб соҳибларидир. Бугун мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби халқ таълими соҳаси ҳам янгиланиб, жаҳон тажрибалари асосида ўзгариб бормоқда. Жаҳоннинг пешқадам мамлакатлари маориф тизимининг оламшумул ютуқлари маҳаллий шароитимизга мосланиб, бизда ҳам синаб кўрилмоқда.

Мана шундай бир шароитда, суҳбатимизда алоҳида таъкидланганидек, педагогларимизнинг шахсий ибрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида халқ таълими жонкуярлари беҳисоб. Ушбу лавҳаларга разм солинг: уларда устозлар ва шогирдлар анъанаси давомийлиги ярқ этиб кўзга ташланади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги 45-ўрта мактаб муаллимаси Холжон Толлиева ардоқли 1-синф ўқувчиларини аъло кўрсаткичлар билан иккинчи синфга кузатиб қўйган бўлса-да, гоҳо-гоҳо уларни қадрдон синфхонасига чорлаб туради; Митан қўрғонидаги 41-ўрта (собиқ 19-мактаб) мактаб ўз бағрида не-не улуғ ва нуфузли авлод вакилларини тарбияламаган дейсиз! Президентимиз Ислом Аб[illegible]ниевич Каримов ҳам бир пайтлари ана шу мактабда бир муддат сабоқ олган. Яқинда мактабда туман зиёлиларининг катта бир гуруҳи давра суҳбатига йиғилишиб, янгича ўқитишнинг истиқболи хусусида фикр алмашдилар. Суратда (чапдан ўнгга) 8-ўрта мактаб директори Тошпўлат Мавлонов, 41-мактаб ўқитувчиси Д. Холдоров, ўқитувчи К. Муродов, Ўзбекистон халқ маорифи аълочилари Митанбой Турдиалиев, Раҳмат Салаватов, 76-мактаб директори К. Аҳмедов ва 53-мактаб ўқитувчиси Ш. Алиқуловлар.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.

Дарсликларни варақлаганда

Нуқсонлардан холи бўлсин

Ўқувчиларнинг билим савияси юқори бўлишида дарслик ва қўлланмалар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, улар пишиқ-пухта ишланган, ўқувчиларни иккилантириб қўймайдиган даражада бўлиши керак. Мана, қўлимизда 8-ва 9-синфлар учун чиқарилган "Ўзбек тили" дарслигининг 1991 йилги 16-нашри. Унда бир қанча баҳсталаб қоидалар мавжуд. Масалан, дарсликда аниқловчига қуйидагича таъриф берилади: "Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки бир предметнинг бошқасига қарашлилигини билдирган бўлак аниқловчи дейилади".

Бу таърифнинг биринчи қисмига оид эътирозимиз: "Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини" аниқловчи ҳам, ҳол ҳам билдириши мумкин. Предметнинг белгисини билдирса, аниқловчи, ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдирса, ҳолга айланади. Шу боис бу қоидани "Гапдаги бирор предметнинг белгисини ёки бир предметнинг бошқасига қарашлилигини билдирган бўлак аниқловчи дейилади" шаклида ўзгартиришни тўғри деб ҳисоблаймиз. Ёки Ғани Абдураҳмонов бошчилигидаги муаллифлар томонидан олий ўқув юртларининг талабалари учун ёзилган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" китобидагидек "Предметнинг белгисини, сифатини, миқдорини, хусусиятини, қарашлилигини англатувчи... бўлак аниқловчи дейилади" деб таъриф берилиши мақсадга мувофиқдир.

Дарсликда ҳолга берилган таъриф ҳам шундай нуқсондан холи эмас. "Кесимга боғланиб, унинг белгисини билдирган бўлак ҳол дейилади" дейилган. "Кесимга боғланиб, унинг белгисини билдирган ҳамма бўлак ҳам ҳол бўла олмаслигини қуйидаги иккита мисол асосида исботлашга ҳаракат қиламиз:

1. Комил чиройли ёзар эди.

2. Комил чиройли йигит эди.

Бу гаплардаги ҳар иккала "чиройли" сўзи кесимга боғланган, аммо биринчиси ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдириб, ҳол вазифасини бажараяпти. Иккинчиси эса, предмет(шахс)нинг белгисини билдириб, аниқловчи бўлиб келаяпти. Демак, кесимга боғланиб, унинг белгисини билдирган ҳамма бўлак ҳам ҳол бўла олмаслиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади.

Назаримда, ҳолнинг таърифи "Феъл-кесимга боғланиб, ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдирган бўлак ҳол дейилади" деб берилса, бирмунча тўғри бўлади. Ёки ҳолга ҳам, "Ҳозирги замон ўзбек адабий тили" қўлланмасидагидек, мукаммал таърифни бериш мумкин: "Ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш ўрни, пайти, сабаби, тарзи, мақсади ва шу кабиларни кўрсатиб, бошқа бўлакка тобе бўлган... бўлакка ҳол дейилади".

Шу аснода бир нарсага ҳайрон қоласан киши. Нега энди тилимиздаги гапнинг иккинчи даражали бўлаклари бўлган аниқловчи ва ҳолни мактаб ўқувчиси бошқа бир талқинда, олийгоҳ талабаси тамоман бошқача кўринишида ўрганиши керак? Мен дарсликдаги айнан шу нуқсонлар ҳақида бундан ўн йиллар муқаддам ҳам фикр билдирган эдим. Афсуски...

Она тилимиз покланиш, барча нуқсонлардан фориг бўлиш палласига аллақачон етди. Бу — давр талаби. Шундай экан, ўқувчига тақдим этиладиган ҳар қандай қўлланма, дарслик "Етти ўлчаб, бир кес" нақлига амал қилинган ҳолда чиқарилса, айни муддао бўлур эди.

Исомиддин АЗИМОВ,
Қамаши тумани А. Қаҳҳор номидаги ўрта мактабнинг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Яқинда Бўз туманидаги 24 та болалар боғчасида мактабгача тарбия дастурига оид машғулотларда миллий ўйинчоқлардан фойдаланиш лаёқати синовдан ўтказилди. Танловда 21-болалар боғчаси тарбиячиси Дилфузахон Маматова ғолиб чиқиб, туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

18-болалар боғчаси вакили Моҳидилхон Орзиева, 5-болалар боғчаси тарбиячилари Маҳфузахон Абдуллаева, Насибахон Нишоновалар ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Ҳ. РУСТАМОВ.
Андижон вилояти.

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги

АДОЛАТНИ ЎЗИНГДАН ҚИДИР

Демократия четдан олиб келинадиган валюта эмас, албатта, мол, ускуна, китоб ё бошқа бирор-бир буюм ҳам эмас, балки ҳар бир инсоннинг табиатида, қалб ва тафаккур қаърида яшириниб ётадиган ҳис-туйғу, ё ҳислат, фазилатдир. Қарияларга қулоқ солинг: улар бирор-бир адолатсизлик олдида ўзларини ожиз сезадилар, "Худо бор, унга атагани ҳам бордур", дейишади.

Демократиянинг асосларини ўз халқимиз тарихидан қидирайлик. Абдулла Қодирий айтганидек, мозийга қайтиб, савоб ахтарайлик, "Ўтган кунлар" китобини яна бир варақлайлик.

Машҳур ҳожи Тошкент боёнлари йиғилиб, мажлис қурган зиёфатда шафқатсиз равишда ўз ўғли Отабекнинг башарасини очиб, танқид қилади. Даврада ўтирган, ўтмишда жаллод бўлиб, кейин бойиб кетгач, боёнларнинг орасига тушиб қолган жаллодга қараб: "Жаллодлик касбингизга қайтсангиз, Отабекни ҳам шогирдликка олинг. Жўн одамларга ўхшаб одам сўйиб юрибди", дейди.

Ақлимизни жойига қўйиб, таҳлил қилайлик. Машҳур ҳожи Отани ўзининг яккаю-ягона, ишонган ва суянган фарзандини бутун ҳокимлар гуруҳи — жамоатчилик орасида танқид қилишга нима мажбур этди?

Хўш, Отабек нима иш қилди? У севгилисини ҳимоя қилиб, кучли уюшган маҳаллий зўравонларга қарши чиқиб, жангга кирди ва уларни енгди. Ёшлар ўқиса, ҳаваси келади Унинг жасурлигига. Қизлар эса Отабекдек жасоратли, вафодор йигитни орзу қилади, шундай йигит учун жонларини ҳам беришга тайёр. Ўша даврда шундай кучли, қўрқмас фарзанднинг отаси бўлиш, шундай фарзанди борлигидан ғурурланиб юриш мумкин эди. Машҳур ҳожи эса ўғлини айблайди.

Сабаби нимада? Машҳур ҳожи Шарқ донолигини ўзида жам этган адолатли, халқ орасида ҳурмати баланд, ишончли инсон. У ҳар қандай муаммони қон, пичоқ билан эмас, балки адолат билан тушунтириш орқали, ақл кўмагида ечиш тарафдори. Бу ҳожининг эътиқоди бўлиб, шу боис у ҳатто ўз ўғлини ҳам аямайди. Адолат фарзанддан устун. Дарвоқе, буюк файласуф Арастуни эсланг: "Платон — дўстим, аммо ҳақиқат ундан қадрлироқ".

Тараққиёт тақозоси билан машҳур ҳожининг орзулари рўёбга чиқиши бизнинг замонамизга тўғри келди ва уни амалга ошириш бизнинг тақдиримизга тушган.

"Ўтган кунлар" романида демократик ғояларни кўп учратамиз. "Қипчоқ қирғини"ни эсланг. Отабек отасидан аразлаб юради, бу қирғинда отасининг қўли бор, деб уни айблайди. Миллий ахлоқ, одобимиз отанинг кўзига тик боқиб бўлмайди, деб ўргатади. Адолат йўлида ҳақиқат учун эса тик боқиб бўлар экан-ку! Ота — машҳур ҳожи ҳам ўз ўғлининг дашномини эшитиб, хамияти оғримайди, у ўғлидан хафа бўлмайди, балки, афсусланиб, кечирим сўрагандек гаплашади.

Мана, романдаги яна бир кичик эпизод. Асар охирида Отабек Ҳасаналини тушириб, ўзи аравага миниб кетади. Шу воқеани эслаб, раҳматли тоғамга бошқачароқ савол берган эдим.

— Бир бой, ҳурматли инсоннинг яккаю ягона ўғли хотинининг ўлимидан аразлаб, ота-онасини ташлаб кетса, нима дейсиз?

— Бунақа ўғилнинг боридан йўғи, одам эмас экан.

— Ўша Отабек бўлса-чи?

— Отабекка тил тегизма! Унинг ўрнида сен ҳам ташлаб кетардинг. Йўқ, ҳамма ҳам бунга қодир эмас. Муҳаббатли бўлиш учун Отабек бўлиш керак...

Қодирий инсонларга демократиянинг туб асоси — муҳаббатни тан олишни, ҳурмат қилиш ва эъзозлашни ўргатди.

Абдулла Қодирий тарих саҳнасида мислсиз ўзгаришлар содир бўлган — бир тизимдаги ҳаёт барҳам топаётиб, иккинчиси қарор топиб, улгурмаган оралиқ даврда оламга келди ва ҳали "адабиёт партиявий бўлиши керак", деган қонун амалга ошиб улгурмаган пайтда ижод қилди.

Биз кўп ҳолларда Абдулла Қодирийнинг душманларини қидириб қоламиз. Ҳа, улуғ ёзувчининг душманлари бор эди, аммо душманга куч ва қувват берган энг катта душман бу — тузум эди. Демократик ғояларни кўтаролмаган бу тузум қодирийлар учун жаллод бўлди. Бизга эса Қодирий ҳавас қилган замонда яшаш насиб этди.Насиб қилса, буюк ёзувчининг адолат ҳақидаги теран ўй-хаёллари амалга ошажак.

Акбар ЮНУСОВ.

Турмуш чорраҳаларида

ФАРЗАНД

Кундан кунга бўй чўзиб, кўзга яқин бўлиб бораётган қизингизни ёнингизга олиб, қиз боланинг одоби, оиладаги муқаддас ўрни ҳақида ҳеч суҳбатлашганмисиз?

Севимли ўғилчангизни тиззангизга олиб, охирги марта қачон эртак айтиб берганингизни эслай оласизми?

Умуман, бирон марта эртак айтиб берганмисиз?

Жондан азиз фазандингиз нима билан қизиқишини, нималардан ҳайратланишини биласизми?

"Йўқ!.."

Бу саволлар дилни оғритади. Жавоблари ундан-да оғриқли.

Ҳа, биз — ҳаддан ташқари банд аёллармиз. Эрталаб чарчоғи тарқамаган вужудларимизни оғир судраб, уй йиғиштирамиз, нонушта ҳозирлаймиз, наридан-бери тамадди қилган бўлиб, ишга ҳозирланамиз. Бу ҳозирланиш қай биримиз учун ўзимиз-у, бир-икки фарзандимизнинг уст-бошини тайёрлаб, кийинтиришдан иборат бўлса, қай биримиз учун уйга келиб қиладиган асосий юмуши газета ўқишдан иборат бўлган эр, беш-олти нафар боланинг кийим-бошини дазмоллаб, кийинтиришдан иборатдир. Кўпчилигимиз эрталабки 2 соатлик фаолиятимизда 8 соатлик юмушни уддалаб, гоҳ сал эртароқ, гоҳ сал кечикиб, ишхонага етиб борамиз-да, елкамиздан тоғ ағдарилгандай, гўё дам олиш уйига етиб келгандай, енгил нафас оламиз.

Аммо, ким ҳам афту ангорингизга, ҳусну малоҳатингизга қараб маош берарди. Рўзғоримнинг каму кўстига ярар деб ишга келганмисиз, ишланг марҳамат қилиб. Сиз ишлайсиз. Аёл кишининг териси юпқа келади. Унинг жонини жабборга топшириб ишлаши учун битта ишора, битта томоқ қириш етарли.

Кечқурун бозор, боғча, сўнг уй... Уйда эса бир дунё юмуш: қозон-товоқ, тандир-ўчоқ...

Эртакни ҳам эртак ўқиган одам билади-да. Қиз боланинг одоби ҳақида ҳоли-қудрати етган одам сўйлайди-да. Биз бўлса... Иложи бўлса, бизни тинч қўйишсин. Ортиқча саволлар билан толиққан миясларимизни толдирмасин. Фарзандларимизнинг кўчада тинчгина ўйнаб юрганини кўриб суюнамиз, бирон жанжал чиқаришса, одобсизлиги учун эмас, тинчимизни бузгани учун куюнамиз, уришамиз.

Эртак бўлса, ана китоб! Ўқиб олаверсин. Одоб-ахлоқ бўлса, муаллимлар нимага ойлик олишаяпти? Камини турмушда ўзлари ўзлаштириб олаверади.

Шундай! Эрталаб ишга чопамиз, кечқурун уйга. Болалар эса... Энг оддий одоб-ахлоқ қоидаларини ҳам билмай улғаймоқдалар.

Дейлик, қаергадир шошиб кетаяпсиз. "Ҳей!" деган овоз эътиборингизни тортади. Диққатингизни бир жойга жамлагунингизча, рўпарангизда турган биров "буйруқ" беради: "Соатни айтиб юборинг". Бир зум иккиланиб қолсиз: "Салом йўқ, алик йўқ. Сўзида эмас, ҳеч бўлмаса сўраш оҳангида ё қарашларида ҳам илтимос йўқ. Мен соатни сен учун тақиб юрибманми? Э, бор-э! тарбия кўрмаган!". Кўнглингиздан ўтган фикрларни тушунтириб ўтириш учун кўп вақт керак, гапни қисқа қиласиз: "Соатим ишламайди!".

Замондошингизнинг тарбиясизлигига бор эътирозингизни мана шу бир оғиз сўзда ифодаламоқчи бўласиз. Кошки, уни тушунишса, орадан кўп ўтмай яна биров сўрайди: "Соатингиз неча бўлди?".

Тарбиямиз ниҳоятда ғариблиги дастурхон атрофида жуда билиниб қолади. Қайси бир миллатда куёвнинг синов шартларидан бири лағмон едириш экан. Зеро, дастурхон атрофида ўзни рисоладагидек тутиб ўтириш, овқат ейиш ва чой ичиш ҳам кишининг маданият, одоб-ахлоқ даражасини аниқлайди. Мен бу сатрларни жуда кўп йигит-қизларимизнинг дастурхон атрофида ўзларини қандай тутишини билмаганликларини, олдидаги нонни дастурхон қолиб, кўрпа устида ушатиб, ҳаммаёқни ушоқ қилганликларини, коса дастурхонда қолиб, овқат солинган қошиқ қаққайиб ўтирган эгасининг оғзига етгунча ҳамма томонга ёғли доғ томизганларини, йигитлар эмас, қизлар ҳам хўриллатиб чой, овқат ичганликларини, оғизларини очиб, чалпиллатиб хунук овоз чиқариб овқат еганларини кўп марта кўрганим учун, афсус-надомат билан ёзмоқдаман.

Агар нон кўрпа устида ушатилса, дастурхон нима учун тўшалган? Овқат ейилаётган пайтда қошиқ бир газ кўтарилмасдан, одам коса ва дастурхон томон эгилса бўлмайдими? Суюқ хўракни хўриллатиб нафас билан тортиб олмасдан, оҳистагина ҳўплаш, овқатни камдан олиб, оғизни юмиб чайнаш наҳотки шунчалар қийин бўлса?! Жуда кўп миллат ва элатларда болаларга қошиқ ушлашдан тортиб, сўзлашиш, кулиш тартибларигача ўргатилади. Биз эса қизларимизга ҳовли супиришни, кир ювишни, нари борса (ўзимиз билсак) тикиш-бичишни, ўғилларимизга эса ўтин ёришни, мол боқишни, умуман бир сўз билан айтганда, меҳнат қилишни ўргатамиз. Маърифатли, маданиятли инсонлар эмас, удда бурон, эпчил ишчи кучлари тайёрлаймиз.

Тақдир тақозоси билан бир тошкентлик дугонам вилоятимизга келин бўлиб тушган. Эру-хотин ҳар иккаласи таниш бўлганлиги сабабли, яхшигина бордикелдимиз бор. Куёв олий маълумотли, катта бир ташкилотнинг масъул ходими, қадди басти ҳавас қилгудек йигит. Аммо шундай жиҳатлари борки...

Уйига борсангиз, сиз билан суҳбатлашиб ўтирган ҳолда бўйнидан тортиб оёқ бармоқларининг орасигача, кирини эзиб, қоп-қора қилиб эшиб-эшиб ташлайверади. Қулоқ — бурунларини ковлаб, ундан нималарнидир чиқариб ташлаб, яна ҳеч нарса кўрмагандай, гапида давом этаверади... Бир сафар дугонам емакхонасини кўрсатди. Стол атрофида тўртта ўриндиқ. Бирида ўзи, иккитасида икки боласи, тўрдаги ўриндиқда эри ўтирар экан. Ўзи, болалари ўтирадиган жой топ-тоза. Эри ўтирадиган жойда нон ушоқлари сепилиб ётар эди.

— 5 йилдан бери нонни дастурхонда ушатишни, гавда билан дастурхон ўртасида масофа қолдирмасдан овқатланишни айтиб, тушунтириб ҳам сира ўргата олмадим. Аввалари косадан бир қошиқ овқат олсалар, қошиқ шўрлик оғизга етгунча, ана гиламга томди, мана кўрпага томди, вой, кийимларига томди деб, юраккинам бўғзимга тиқилиб қоларди. Энди анча кўникиб қолдим.

Бир пайт емакхонанинг тўғрисидаги ювиниш хонасидан эшиги очилиб-ёпилди-да, ичкаридан шатир-шутур сув овози кела бошлади. Дугонам нимадандир хавотирлангандек ўрнидан сакраб туриб, қўшни хонага чиқиб кетди. Бир оздан сўнг яна жиғибийрон бўлиб қайтди.

— Қайним... Қишлоқдан қайним келган эди. Ваннахонага кириб кетди. У ерда тўққизта сочиқ турган эди, ўзимизники, болаларники юз-қўлига алоҳида, баданга алоҳида, қўлсочиқ алоҳида. Билмадим, қайси бирига артиниб чиқади? Қайси чўтка билан ойда бир ювмайдиган тишини ювади? Қайси мочалкани ишлатади? Ахир ишонсангиз, болаларни ювинтирадиган мочалкадан дадаларига фойдаланишга қўймайман. Булар бўлса... Хўжайинга гапирсам, нима песи-марази борми, деб оғиз очиргани қўймайди.

Анчадан кейин ювиниш хонасидан қайин бола чиқиб келди:

— Шаҳарликларга маззада, а, янга?

Дугонам инграб юборди:

—Сўраса ўзига алоҳида сочиқ берар эдим-ку. Энди тўққиз сочиқни ҳам қайта ювишим керак. Кечагина тутган эдим...

Булар бир қарашда арзимаган, майда-чуйда қусурларга ўхшаб кўринади. Аммо бу қусурлар бир суҳбатда доно, барно бўлиб кўринган одамни, ўрни келганда тупроқ билан қориштириб ташлаш, гулдек оилаларни бузиб юбориш қудратига эгадир.

Бизни эса бундай қусурлар қизиқтирмайди. Аввало болаларимизнинг жони соғ, усти бут, қорни тўқ бўлсин. Биздан кейин ҳам шундай "тўкис" яшаши учун ўқиши, илм олиши, иш ўрганиши — хуллас ё илмий, ё жисмоний ишчи кучи бўлмоғи шарт. Бу ишчи кучининг бор фаолияти ўзининг харажатларини таъминлашга йўналтирилган роботлардан нима фарқи бор?

Эҳтимол, одамлар орасида меҳр-оқибат, самимият, юртга, Ватанга муҳаббат суст эканлиги ҳам шундандир.

Шу йили қишда Москвада бўлган эдим. Москваликларнинг таъкидлашича, урушдан бери бу йилгидек қаттиқ қишни ҳеч ким билмайди. Ана шу аёзли кунларнинг бирида бекатда бир рус аёли бир соат оёқда тик туриб, рус халқининг улуғ кечмиши, буюк маданияти, христиан динининг бир кун келиб бутун дунё динига айланажаги ҳақида гапирди: "Аслида худо ҳам, дин ҳам битта, фақат уларни биз бошқа-бошқа номлар билан атаб юрибмиз. Пайти келиб хатомизни англаймиз. Ўшанда ҳамма христиан динига киради, ҳамма Исо пайғамбарга сиғинади. Библиядек мукаммал диний китоб йўқ. Қуръон унинг чала таржимаси...

Қўлимга христиан динини тарғиб қилувчи чиройли журналлар берди. "Юртингизга борганда одамларга кўрсатинг, ҳар бир журнални камида 17 киши ўқиши керак. Бўлмаса гуноҳи сизнинг бўйнингизда...". Ўша аёлнинг мендек бир бегонага сарфлаган вақти, билим-эҳтиросини биз ўз фарзандимизга сарфлаяпмизми? Ахир, она халқимизнинг улуғ кечмишидан, буюк маданиятидан, динимизнинг илоҳий қудратидан бехабар авлод манқуртлар галасидан нимаси билан фарқ қилади?

Бинобарин, Ватан, ватанпарварлик деган тушунчалар бизнинг онгимизда ниҳоятда сийқаланиб, ҳақиқий маъносини йўқотиш даражасига етди. Қайси биримиз фарзандларимиз билан Ватан ҳақида, Ватан олдидаги муқаддас бурч ҳақида суҳбатлашамиз. Биз ватанпарварлар эмас, ўз авлодимиз давомчиларини улғайтирмоқдамиз. Сабаби биз ўзимизни Ватандан устун қўямиз. Изимизда қолажак авлод ҳам, аввало, ўзини яхши кўради. Аммо беватан инсоннинг вужудсиз жондан ҳеч қандай фарқи йўқлигини ватангадо бўлганлар тушунмаса, биз тушунмаймиз...

Автобусда бир аёл ҳасрат қилиб қолди:

— Назаримда ёзги таътил ҳам жуда чўзилиб кетганга ўхшайди. Мактаб ҳам яхши эди, бир нарса ўргатса-ўргатмаса, тушгача болаларни йиғиб ўтирарди. Энди кун бўйи кўчада изғишади.

Эгачим-а, ўша бесамар изғиб юрган болалардан биз оналар, жамият нечоғлиқ қарздормиз-а. Ким ҳам фарзандини ёмон кўради. Аммо уларга севимли ўйинлари каби ҳеч бадига урмайдиган, чарчаб толиб қолсалар-да, сира безмайдиган юмушларини топиб, шу билан машғул қилиб қўйиб ёки кундузи китобларга кўмиб ташлаб, кечқурун ўша ўқиганлари ҳақида суҳбатлашиш бизнинг энг муқаддас бурчимиз эканлигини қай биримиз тушунамиз, қай биримиз тушунмаймиз, фарзандлар олдидаги асосий вазифамиз фақат уларни боқиш эмас, тарбиялаш ҳам эканлигини қачон англаб етамиз?

...Ушбу сатрларни куйиб-ёниб ёзаяпман-у, қулоғимга азиз муштарийларнинг "Бунинг иложи борми?" деган илтижо тўла саволлари эшитилиб кетгандай бўлади. Ўз-ўзимга шу саволни бериб, тайинли бир жавоб ололмадим.

Зеро, менинг ҳам ёлғизгина ўғлим бор. У мен учун ҳар қанча севимли бўлмасин, унга охирги марта эртак айтиб берганимни сира эслай олмайман. Мен ҳам ҳамма оналар каби кўчада соғ-омон, тинчгина ўйнаб юрганини кўриб суюнаман. Сабаби... Мен ҳам уйга ҳамма қатори ҳориб-толиб қайтаман.

Аммо, барибир, болалар билан шуғулланмоқ учун вақт, куч-қудрат, "илож" топмоқ керак.

Ахир, энди мустақил Ватанга фақат ишчи кучлари эмас, қалби миллий ғурур билан тўла, Ватаннинг ўтмишини яхши биладиган, келажаги буюклигига ишонадиган, маданиятли, маърифатли фарзандлар керак. Бундай фарзандларсиз — Ватаннинг мустақиллиги — ҳеч нарса, мустақил Ватансиз эса — фарзандларимизнинг соғу омонлиги, бахти-бадавлатлиги ҳеч нарсадир.

Жамила ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Мактабгача тарбия муассасаларида

КЎМАКДОШЛАР

Боғчамизда меҳнат аҳлининг болаларини тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Боғча ўз бағрига 280 нафар болани олган, уларнинг 80 нафари илк ёшдаги гурухда тарбияланмоқда. Бу ерда услубчи Ноила Амированинг ҳурмат-эътибори катта. Бунга у ўз меҳнати ва ғайрати туфайли эришди. Унинг ташаббуси билан боғчада қўғирчоқ театри ташкил этилди. Жорий йилнинг ўзида тарбиячи ва болалар иштирокида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан "Ур, тўқмоқ" "Эгри ва тўғри", "Зумрад ва Қиммат", "Бўғирсоқ" каби эртак ва ҳикоялар асосида спектакль қўйилди. Бу болаларнинг нутқ маданиятини ҳамда фикр доирасини кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

Бозор иқтисоди шароитида қўғирчоқларнинг камёблиги туфайли боғчадаги қўғирчоқларни тарбиячиларнинг ўзлари ҳар хил матолардан тикиб тайёрлашмоқда. Улар ясаган қўғирчоқлар дўконлардагидан сира қолишмайди. Тарбиявий ишларни намунали ташкил этишда услубшуноса Саодат Ризаева, Муборак Ҳақназарова, Ойтўра Одиловалар каби тарбиячилар яқиндан ердам беришаётир.

Боғча тарбиясини ота-онасиз, жамоат фаолларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ота-оналардан Баҳриддин Бойназаров, Зубаржа Халилова, Меҳри Қурбонова, Маннон Дониёровлар боғчада тарбиявий-ташкилий ишларни олиб боришда, бино хоналарни таъмирлаш, боғчага муҳим тадбирлар ўтказишда кўмак беришмоқда.

Боғчада янги ўқув йилидан бошлаб инглиз тили машғулотлари ўтказила бошланди. Шунингдек, нутқида камчилиги бор болалар гуруҳи ҳам ташкил этилди. Бундан ташқари, кичкинтойларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий ишлар олиб борилмоқда.

Раъно БОҚИЕВА,
Яккабоғ туманидаги "Юлдузча" болалар боғчасининг мудираси,
Хайрулла ТЎРАЕВ,
туман халқ таълими бўлими услубчиси.

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

Ижодкор ўқитувчиларнинг кенгашини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган кенгашларда кўплаб қўлёзмалар ўқилади. Улар орасида анча бақувват тўпламлар бор. Сурхондарёлик Мелиқул Ханжаров, қашқадарёлик Мунаввар Мансурова, Қурбонали Азизов, жиззахлик Абдухалил Саттор, фарғоналик Ҳамид Жалил, Инобат Ризаева, хоразмлик Гавҳар Убайдуллаева каби муаллимларнинг шеър ва ғазаллари назокат ва нафосат туйғулари билан суғорилган. Улар ўқувчи қалби ва онгида равшанлик уйғотади. Шеъриятнинг вазифаси фақат бу эмас. Жонажон мамлакатимизнинг турли вилоятларидан танлов ғолиблари сифатида келган ижодкор ўқитувчиларнинг ўзи ҳам, ижоди ҳам алоҳида бир олам. Кенгаш очиладиган кунда анжуман қатнашчиларининг айримлари ижодидан намуналар эълон қилар эканмиз, истеъдодли муаллим шоирларимизга жўшқин илҳом ва юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Маъруф ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгашининг масъул котиби.



Тажрибали биология ўқитувчиси асосий сабоқлардан ташқари болаларни табиатни севишга, ардоқлашга ҳам ўргатади. Шу мақсадда Ромитан туманидаги Э. Хўжаев номидаги мактаб қошида экологик марказ ташкил этилди. У ерда болалар ўсимликларни парваришлаш, кўпайтириш сирларини ўрганишмоқда.

Суратда: марказ бошлиғи А. Гулбоев хонаки гулларни кўздан кечирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ҚИШЛОҚ ОҚШОМИ

Кўкси қалқон мағрур тераклар
Олисларга ташласа соя,
Офтоб сочин этгайдир чамбар
Оқшом бошлар ажиб ҳикоя.
Бу кун ўтди, ўтмади бекор,
Кундуз қайтар ҳорғин ва чарчоқ.
Кўча бўйлаб сафланган қатор,
Дарвозалар очади қучоқ.
Қийқирганча чиқади пешвоз
Чопқиллаган ялангтўш шодлик.
Бошланади меҳнатга ҳамроз,
Ҳар гўшада бахтиёр "шоҳлик".
Сокингина қўнғироқ чалар
Шаббодада чайқалган узум.
Кун тиғида пинакка кетган
Симёғочлар очади кўзин.
Гулзор ичра юзлари ёниб
Кимдир сара гуллардан узар.
Бир сесканиб кетар уйғониб
Намозшомгул — мудраган гўзал.
Учиб-қўниб шодон челаклар
Чўмилгани чиқарлар бир-бир.
Сув бўйида кечар эртаклар
Хўрсинади зангори шивир...
Тун — дилором, шу қадар дилбар,
Тўхтаб қолар сайёра ҳилол.
Олис тоғлар яқинроқ келар,
Олисларга етаклар хаёл...

Ҳамид ЖАЛИЛ.

Бағдод тумани, 18-ўрта мактаб.

СЎРОВ

Самумда солланиб сайраган
Қушларнинг қўшиғи тиндими!
Қайғулар қайроғи қайраган
Қабоққа шабнамлар индими!
Шабнамлар, шабнамлар, шам бўлай,
Тошларни симобдай эритинг.
Майли, мен дунёда кам бўлай,
Мажнунни Лайлога эр этинг.
Қабариқ қалбимнинг қаъридан
Қадимий қасамлар қўзғолди.
Кимнингдир беҳуда ори деб,
Дилимни ўпмаган сўз қолди.
Шу сўзнинг телбаси мен бўлсам,
Тоҳирга зич сандиқ ясатманг.
Зуҳромас, ҳажрдан мен ўлсам,
Дунёни бахтсиз деб ўкситманг!
Шабнамлар, шабнамлар, шам бўлай,
Дийдорнинг йўлларин ёритинг.
Майли, мен дунёда кам бўлай,
Ширинга Фарҳодни ёр этинг!

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА.

Олтинсой тумани, 3-ўрта мактаб.

Яланг оёқ шамоллар чопар
бўм-бўш шаҳар кўчаларида.
Хазон гуллар тўкилиб ўтар
шамолларнинг ёйиқ баридан.
Яғир қилиб ташлар булутлар
минорларнинг кулранг кифтини —
бундай ғамгин бўлмаган шаҳар,
бундай ғамгин кўрмадим уни.
Серрайганча қотибди арча,
ғарибгина ўтиргич оғрир...
Шаҳарнинг бор бисотин олиб
Кетиб қолган эдинг қайгадир.

ОЙДИН.

Риштон тумани, 32-ўрта мактаб.

БИР КУН КЕЛИБ...

Ўзгаларни ранжитишни этмасман орзу,
Гулдек нафис қалбларига бермасман озор.
Камчиликсиз дўст бўлмайди, ҳеч бўлган эмас,
Яхши дўстни олмоқ бўлсанг йўқ ундай бозор!.
Йиллар ўтар, қайтиб келмас ҳеч бир дамимиз,
Қолур қалбда армон бўлиб айтилган гаплар.
Учрашармиз бир кун келиб қолмас камимиз,
Тотли бўлиб туюлади ҳатто шу пайтлар.
Балки қўмсаб эслагаймиз барчасин бир-бир,
Ўт ёшликка қайтмоқни ҳам қилурмиз ҳавас,
Ё шунда ҳам хўрсинмасмиз, дегаймиз тақдир,
Секингина жилмаярмиз кексаликка хос!..

Мунаввар МАНСУРОВА.

Касби тумани, 8-ўрта мактаб.

КАЙФИЯТ

Кўнглим осмонига қуюқ булутлар,
Ёпирилмиш кийиб темир совутлар,
Қалбимни қиймалар ваҳший бургутлар,
Кокилларим шамол — қувгум бегумон.
Булутлар, дард бўлиб, бағрим эзсангиз,
Совутлар, муз бўлиб, ўқлар узсангиз,
Бургутлар, оч қолиб қалбим ўйсангиз,
Киприкларим найза — санчгум беомон.
...
Гул баргига яширсам дардим,
Қисқа экан уларнинг умри.
Япроқларга ўқисам байтим,
Ҳасратимдан сарғаймиш бари.
Шундан қалам бўлди ҳамроҳим,
Оқ қоғозга тўкдим дил розин.
Сенга етиб бормади оҳим,
Шундан мангу нигоҳим ҳазин...

Маҳмуда ВАЛИЕВА Зоирхон қизи,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси.

ОНАМ ЁПГАН НОН

Ёшликда бўлибман кўп безътибор,
Келибди, кетибди қанча қиш, баҳор.
Ногоҳ бир ҳис чулғаб, Зоминда илк бор
Онам ёпган нонга бўлдим интизор...
Эл-юртим — Ўзбегим нон-насибали,
Тандирнон эъзозда таом маҳали.
Қадоқли қўллари ёдимда ҳали...
Онам ёпган нонга бўлдим интизор...
Қизим, ўғилларим сўрайди такрор,
Ахир, нондан нонинг не ҳам фарқи бор!
Бугун ўзим соғман, лек кўнглим бемор —
Онам ёпган нонга бўлдим интизор...
Мушфиқ чеҳрасида маҳзун бир дард бор,
Азиз боши узра — оппоқ қиров, қор...
Йиллар ортга қайтмас, ё парвардигор,
Онам ёпган нонга бўлдим интизор...
Энди асло ортга чопиб бўлмайди,
Умр ўтди, қайта топиб бўлмайди...
Энди у нонларни ёпиб бўлмайди,
Онам ёпган нонга бўлдим интизор...
Қўмсаш, армонларинг эгибди бошинг,
Маъюс ўйга толдинг ичганда ошинг...
Сайфулло, дафтарга томди кўз ёшинг,
Онам ёпган нонга бўлдим интизор...

Сайфулло ҲАКИМИЙ.

Зомин тумани.

Янги китоблар

"Ўқитувчи" нашриёти яқинда қуйидаги китобларни чоп этди:

Т. МИРЗАҚУЛОВ. Мактабда грамматика ўқитишнинг лисоний ва тарбиявий асослари.

Қўлланмада ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган ўзбек тили грамматикасининг алоҳида бир соҳаси — морфемиканинг умумтаълимий (лисоний) ва тарбиявий асослари ёритилади. Морфемиканинг бирликлари, ҳажми ва мундарижаси, морфемалари таснифи ва бирикувига доир масалалар таҳлил қилинган. Ўзбек тилшунослиги бўйича кейинги йилларда эришилган ютуқлар ва илмий хулосалар умумлаштирилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта мактаб ўқувчиларига мўлжалланган.

А. ТЎХТАЕВ. Ўсимликлар анатомияси ва морфологияси.

Мазкур қўлланма янги дастур бўйича маҳаллий флора мисолида ёзилган. Унда ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши ва функциялари, тўқималар, вегетатив органлар, шунингдек, ўсимликларни кўпайтириш усуллари ва бошқа масалалар баён этилган. Қўлланма педагогика институтларининг табииёт-жуғрофия факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

А. НУРМОНОВ, Р. РАСУЛОВ. Ўзбек тили жадвалларда.

Мазкур қўлланмада ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик, синтактик хусусиятлари кўргазмали тарзда — жадваллар шаклида акс эттирилган. Баъзи мавзуларга икки ва ундан ортиқ жадвал тавсия этилган.

Китоб бўлажак филологлар, ўрта мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган.

З. Б. ТОШЕВ. Немис тили дарслиги.

Жумҳуриятдаги ихтисоси тил бўлмаган олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган. Мазкур дарслик амалдаги чет тили дастури асосида яратилиб, 120-140 соат аудитория машғулотини қамраб олади. Дарслик кириш, фонетикага кириш курси ва асосий курсдан таркиб топган.

А. ЖЎРАЕВ. Тарбиявий дарсларни ўтиш.

Рисолада бугунги кунда тобора ўз ифодасини топиб бораётган инсоний қадриятлар, муносабатлар, имон, эътиқод, саховат каби хушахлоқлик одобини мустақил давлатимиз ҳамда халқимизнинг бахтли келажаги бўлган ёш авлодга етказиш борасидаги тарбиявий ишлар баён қилинган. Булардан ташқари, Қуръони карим, Ҳадиси шариф кўрсатмалари ҳамда халқимизнинг бой миллий маданияти ва урф-одатлари, расм-русмлари асосида тарбиявий ишларни ташкил этишга оид тадбирлар ва уларнинг мақсад-вазифалари, ўтказиш услублари кўп йиллик тажрибаларга суянган ҳолда хрестоматик материал тарзида ёритиб берилган.

Рисола ўрта умумий таълим мактаблари ва билим юртларининг раҳбарлари, тарбиявий ишлар ташкилотлари, синф раҳбарлари, ўқитувчи ва тарбиячиларга мўлжалланган.

ДИНАРА РАЖАБОВА. Фортепиано машғулотлари.

Ушбу қўлланма мактаб ва педагогика билим юртларининг ўқувчиларига, педагогика институтларининг мусиқа факультетлари талабаларига фортепианони ўқитиш усулларини ёритишга бағишланган. Унда мазкур курс бўйича ўқитувчи амалга ошириши лозим бўлган ишлар, ўқувчилар ва талабаларга қўйиладиган талаблар ифодаланган.

Ўзбек тилида илк бор яратилган ушбу қўлланма ўқитувчиларга, мусиқа тўгаракларининг раҳбарлари, педагогика билим юртларининг ўқувчилари ва педагогика институтлари мусиқа факультетларининг талабаларига бевосита катта ёрдам беради.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВА. Ўқитувчилар китоби.

Мазкур қўлланмада VI синф инглиз тили дарслиги юзасидан методик тавсиялар, йўл-йўриқлар ўрин олган. Унда I-II чоракда ўтиладиган дарслар методикаси батафсил баён қилинади, қолган чораклар материаллари ўқитувчилар томонидан мустақил ишланади.

О. Ғ. ҚОСИМОВА, Т. Б. ЕСИМОВ. Умумий кутубхонашунослик.

Мазкур дарслик амалдаги "Умумий кутубхонашунослик" дастури асосида ёзилган бўлиб, унда кутубхоналарнинг ижтимоий роли, вазифалари, уларнинг типлари ва турлари, Ўзбекистонда кутубхоначилик ишининг ташкил этилиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига, болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш масалалари, кутубхоначилик ишини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, республикамизда кутубхонашунослик фанининг шаклланиши ва тараққиёти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси каби масалалар ёритилган.

Дарслик университетларнинг ва маданият институтларининг кутубхоначилик факультети талабаларига мўлжалланган. Ундан маданият техникумларининг ўқувчилари ҳам фойдаланиши мумкин.



М. МУРАТОВА.

МУАЛЛИМГА ТАЪЗИМ

Алимжон Ўринбоев Шаҳрихон туманидаги Найнаво қишлоғида яшайди. Олти фарзанднинг отаси. 1950 йилда Фарғона давлат муаллимлар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. 70 ёшда. Оддий ўқитувчиликдан илмий бўлим мудири, мактаб директори, райижроқўм раиси ўринбосари лавозимигача бўлган катта ҳаёт йўлини босиб ўтган.

...Яқинда мураббийнинг хонадонида тантанали маросим бўлиб ўтди. Домланинг етмиш йиллик тўйига шогирдлари, қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари жам бўлишди.

Даврани қишлоқ кенгаши котиби Орифжон Мирзаев очиб, мўътабар устознинг шогирди, Фарғона вилояти ҳокими муовини Турсунали Қурбоновдан келган телеграммани ўқиб берди.

Маросимда шаҳрихонлик маориф фахрийси Муҳаммад ҳожи Саидаҳмедов, бўзлик таниқли шоир Тўлан Низом, "Найнаво" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Фозилжон Иброҳимов, Шаҳрихон туманидаги 36-ўрта мактаб директори Бахмалхон Ғаниева, Бўз тумани халқ таълими бўлими мудири Ҳумоюн Акбаров ва бошқалар устозни қизғин қутладилар.

Даврага истеъдодли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобилжон Юсупов, таниқли сўз устаси Ҳусан қизиқ Қодировлар ўзларининг чиқишлари билан файз киритдилар.

Ҳасанбой РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ЕТТИ ОТА

Ҳажвия

Биринчи синфда ўқийдиган Изаура бўтадай бўзлаб, ўзича алланимларни сўзлаб уйга кириб келди. Ошхонадан югуриб чиққан онаси жон ҳолатда: "Нима бўлди, жоним? Сенга нима бўлди?"— деди минг хавотирда.

— Класная руководительница-а-а,— деди эркатойи баттар бижирлаб.

— Нима деди у, сенга нима қилди?

— Етти дедушкангни билмайсан деди. Эртага билиб келмасанг, "2" қўяман, деди.

— Мен унга етти онасини кўрсатиб қўяман. Боланинг бошини қотириб, аллақачон суяги қотиб кетган арвоҳларни сўрайдими?

Изаура эса ҳамон йиғлашда давом этарди. Она уни тинчитмоқ учун юлқиниб телефон дастасини кўтарди. Тез-тез номерларни терар экан, "Ҳозир бувингдан сўраймиз, доченка, моя сладенка",— деди.

— Ало, ало! Это Киров? Мамочка, бу сизмисиз?.. Мен — Шураман. Тинчликми дейсиз-а, мамочка! Изауранинг руководительницаси етти отангни билиб келасан дебди. Сиз билсангиз айтиб юбора қолинг.

— Айтсам айта қолай,— деган овоз эшитилди трубканинг у тарафидан.— Сенинг отанг — Малкарбой. Унинг отаси — Шалкарбой. Бобонг — Аркарбой. Вой жоним, у ёғини мен ҳам билмайман.

— Дядя Қўйбоқар-чи?

— Унга тил теккизма. У менинг иккинчи эрим. Изаурага бобо бўлолмайди.

— Қизиқмисиз, мама? Ким билиб ўтирибди. Қўшиб ёзаверамиз. Так-к, тўртта бўлишди. Яна учта керак.

— Ўз отаси-чи? Ажрашиб кетсаларинг ҳам Изауранинг отаси бўлган-у!

— Э, ўша сабилнинг отини атаманг.

— Боланинг кўнгли учун чидайсан-да. Қўшиб қўя қол. Кейин иккинчи эрингни ҳам... Учинчисини ёздирасанми, ёздирмайсанми, ўзинг биласан.

— Ах, гадь!! Қара, буларни ҳам йўқлайдиган одам бор экан-а? Еттитага етди шекилли?

— Етди қизим, етди.

Трубка тақ этиб қўйилди. Рўйхат ҳам тайёр бўлди. Эртаси куни Изаура мактабга чопқиллаб чиқиб кетди. Чунки у етти отасини билиб олганди.

Норйигит НАИМАН.
Қозоқчадан ҚИДИР ТЎЛА ўғли таржимаси,
Тошкент шаҳридаги 230-мактаб ўқитувчиси.

Мулоҳаза

"АЛЛО, ЭШИТАМАН..."

Ишхонада эдим. Телефон жиринглади. Гўшакни кўтаришим билан:

— Ким бу?— деди қўнғироқ қилувчи. Овозидан 10-12 ёшлардаги болалигини пайқадим.

— Қаерга, кимга телефон қилаяпсан?— дедим мен ҳам саволга савол билан.

— Кимсиз?— деди яна у томондаги овоз.

— Сен ўзинг кимсан!— жаҳлим чиқди менинг.— Аввало, салом қани? Қаер, ким керак, айтмайсанми?!

— Дада, сизмисиз?— дегандан кейингина овоз ўғлим Хуршиджонники эканлигини билдим ва кулишимни ҳам, куйинишимни ҳам билмай қолдим.

Ўғлим-ку, ҳали ёш, телефонда гаплашиш маданиятини билмайди. Лекин катталар-чи? Айрим кишилар қўнғироқ қилиб, дабдурустдан "Фалончини чақириб беринг", дейди. "Фалончи йўқ бу ерда, Сиз қаерга қўнғироқ қилаяпсиз", десангиз, гўшакни "тақ" этиб қўйиб қўяди.

Ҳолбуки, телефонда гаплашишнинг ҳам ўзига яраша маданияти, "усуллари" бор. Қўнғироқ қилувчи аввало сўзни "Ассалому алайкум" деб бошласа, айни муддо. Саломаликдан сўнг, гўшакни сизга керакли одам кўтарган бўлса, хушмуомалалик билан суҳбатни давом эттираверасиз. Агар бошқа киши керак бўлса, "Илтимос, фалончи шу ерда бўлса, чақириб беринг", десангиз, у тарафдаги киши ҳам хушмуомалалик билан жавоб қайтаради.

Умуман, ўзаро мулоқотда ҳам, телефонда гаплашганда ҳам хушмуомала, сермулозамат бўлсак, қандай яхши!

Уммат ДОНИЁРОВ,
Сирдарё вилоят Мирзаобод туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси.

СПОРТ ИХЛОСМАНДЛАРИ

Яккабоғ туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларни жисмонан бақувват, соғлом қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур спорт мактабида 900 дан ортиқ ўқувчи билан 20 нафар тренер-ўқитувчи спортнинг тўққиз тури бўйича машғулот олиб бормоқда. Спорт ихлосмандлари ўтган йили спортнинг турли турлари бўйича туман биринчилиги учун ўтказилган 20 дан ортиқ беллашувларда қатнашган бўлсалар, жорий йилнинг ўтган даврида 17 та мусобақада фаол иштирок этдилар. Шунингдек вилоят мусобақаларида ғолиб чиқиб, республика миқёсидаги футбол, қўл тўпи, самбо, ДЗЮДО, миллий кураш беллашувларида яхши натижаларни қўлга киритдилар. Ф. Каримов, К. Шодикулов, М. Боймуродова, Д. Ғаффорова сингари ёш самбочиларга Ўзбекистон чемпиони унвони берилди.

Мактаб спортчилари мамлакат биринчилиги учун Чирчиқда ўтказилган қўл тўпи мусобақасида бешинчи ўринни олишга муяссар бўлишди.

Тожи Чориев, Анвар Холбоев, Нурбобо Назаров, Нафас Бозоров каби тренерлар ёшлар билан машғулот ва мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганликлари ютуқлар омили бўлмоқда. Айни вақтда спорт мактабида уч тур бўйича бўладиган мусобақаларга ҳозирлик кўрилмоқда.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда педагог ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг ўқув-услубий ишлари бўйича проректори

Маргарита АЛЕКСЕЕВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ўқув-методика Маркази жамоаси табиий фанлар бўлимининг бошлиғи М. А. Раҳимовага онаси

Мўътабар ая РАҲИМОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси табиий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси Муаттар Раҳимовага онаси

Мўътабар РАҲИМОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6